

Тазкия дарслари (139-дарс). Нафснинг давоси ва куфр

ТАЗКИЯ
139-ДАРС

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг «Тасаввуф ҳақида тасаввур», «Рухий тарбия» 1-2-3-жузи ва «Хислатли ҳикматлар шарҳи» 1-2-3-4-5-жузи китоблари асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.



18:30 / 05.06.2021 3122

Нафс ва қалб хасталиклари икки турга тақсимланади.

Биринчиси – қалб мақомотларига зид бўлган куфр, ширк, нифоқ, риё ва бидъат каби хасталиклар.

Иккинчиси – Аллоҳнинг гўзал исмлари ила хулқланишга ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашишга зид бўладиган ноўрин ғазабга ўхшаш хасталиклар.

Мазкур икки турдаги хасталиклардан мусулмон инсон ҳазир бўлмоғи лозим. Шунинг учун бу хасталикларни билиш ва улардан қутулиш учун ҳаракат қилиш ҳар бир мусулмонга фарзи айн эканини уламоларимиз таъкидлашган.

куфр

Ҳар бир банда эҳтиёт бўлиши лозим бўлган қалб хасталиklarининг энг хавфлиси куфрдир. Аслида куфр қалб учун хасталик эмас, ўлимдир. Аммо бу нарсани англаб етмагунча қалб поклиги ҳақида сўз юритишнинг ўзи қийин иш.

«Куфр» сўзи араб тилида «бир нарсани беркитиш ва тўсиш» маъносида ишлатилади. Араб тилида уруғни тупроқ билан беркитгани учун деҳқон

«Албатта, куфр келтириб, кофир ҳолида ўлганларга – ана ўшаларга Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва одамларнинг – барчанинг лаънати бўлмай. Унда мангу қолувчидирлар. Улардан азоб енгиллатилмас ва уларга муҳлат ҳам берилмас» (161-162-оятлар).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам куфрни қаттиқ қоралаганлар.

مَسْوَءٌ لِّعَلَلِ الْكَلْبِ لِيَبْنُ نَأْهُنَّ عُلَلِ الْيَضْرِكِلَامِ نَبَسْنَا نَع
كَلَنَّا كَوْلَتْ أَرَأَيْتَ لِقَائِهِمْ أَيْ قَوْلًا مَوْيِرِفَالْأَبْءِ أَجِي «لِقَوْلِي نَأْ
تَنْ كَدَقْهُ لِقَائِي فَمَعْنٍ لِقَوْلِي فَبِي دَتَفَتَتْ نَكْأَبَهَدِرْ أَلْأَمْ
نَأْخِي شَلْأَهْ أَوْرَ . «كَلَدَنْ مَرْسِيَّ أَوْهَامَ تَلِيَّ س

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набийulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«Қиёмат куни кофир келтирилиб, унга: «Айт-чи, агар сенинг ер тўла олтининг бўлса, ўзингни қутқариб олиш учун уни берармидинг?» дейилади. «Ҳа», дейди. «Батаҳқиқ, сендан бундан осон нарса сўралган эди», дейилади».

Икки шайх ривоят қилишган.

«Руҳий тарбия» китоби асосида тайёрланди